

Ўзбекистон Республикаси  
“Хунарманд” уюшмаси  
Бошқарув Кенгашининг  
2018 йил “29” августдаги  
08/2018-сонли йиғилиш баёнига  
Илова

Ўзбекистон Республикаси “Хунарманд” уюшмаси  
“Уста-шогирд” мактаби тўғрисида  
Низом

- 1-боб. Умумий қоидалар
- 2-боб. “Уста-шогирд” мактабининг асосий мақсад ва вазифалари
- 3-боб. “Уста-шогирд” мактабини ташкил этиш тартиби
- 4-боб. Хунарманд ва шогирдлар ўртасидаги муносабатлар
- 5-боб. “Уста-шогирд” мактаби субъектларига қўйиладиган талаблар
- 6-боб. Яқунловчи қоидалар

**1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси “Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида”ги қонуни, Президентнинг 2017 йил 17 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5242 сонли фармони, “Хунарманд” уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3393 сонли қарори, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги “Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 216-сонли қарори ҳамда “Хунарманд” уюшмасининг уставига асосан ишлаб чиқилган.

2. Ўзбекистон Республикаси “Хунарманд” уюшмаси “Уста-шогирд” мактаби тўғрисидаги Низом (**кейинги ўринларда Низом деб юритилади**) “Уста-шогирд” мактабларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси “Хунарманд”  
уюшмаси  
РЎЙХАТГА ОЛИНДИ  
№ 11/2018  
«29» август 2018 й.

3. Ушбу Низомда куйдаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**Уста (хунарманд)** – мустақил равишда ёки шогирдлари ёрдамида махсус кўникмалар, асбоблар ва кичик механизация воситаларидан фойдаланишга асосланган анъанавий технологиялар асосида буюмларнинг функционал хусусиятларининг тарихан қарор топган талабларига ҳамда миллий эстетик нормаларга жавоб берадиган хунармандчилик фаолияти буюмлари ёки товарлари (ишлар, хизматлар)ни тайёрловчи ҳамда шогирд етиштириш салоҳиятига эга бўлган жисмоний шахс.

**Шогирд** - 15 ёшдан ошган, (16 ёшга тўлмаган тақдирда ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан) хунарманддан хунармандчилик фаолияти буюмлари ёки товарлари (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни ўрганаётган жисмоний шахс.

**“Уста-шогирд” мактаби** – уста томонидан шогирдга хунармандчилик фаолияти буюмлари ёки товарлари (ишлар, хизматлар)ни тайёрлашни ўрганишга йўналтирилган муносабатлар йиғиндиси.

**“Уста-шогирд” мактаби субъектлари** – хунарманд уюшмаси аъзоси бўлган Уста (хунарманд) ва шогирд.

## 2-БОБ. “УСТА-ШОГИРД” МАКТАБИНИНГ АСОСИЙ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

4. “Уста-шогирд” мактабининг асосий мақсади - миллий хунармандчиликни ривожлантириш, шу жумладан қадимий ноёб хунар турларини қайта тиклаш, анъанавий хунарларни ўргатиш, азалий кадриятимиз бўлган миллий хунармандчиликни кейинги авлодга ўтказиш орқали янги авлод хунармандларини тайёрлаш ва янги иш ўринларини яратиш, банд бўлмаган аҳолини, айниқса ёшларни, хотин-қизларни фойдали меҳнатга йўналтириш.

5. “Уста-шогирд” мактабининг асосий вазифалари куйдагилардан иборат:

- хунармандчилик йўналишлари бўйича “Уста-шогирд” мактаби анъаналарини кенг тарғиб қилиш, ривожлантириш ва такомиллаштириш;
- меҳнатга лайёқадли аҳолини хунармандчиликка жалб этиш;
- ишсиз ёшларни, хотин қизларни ва жисмоний имконияти чекланган фуқароларни касб-хунарга йўналтириш орқали уларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси  
Маданият ва турizm вазирлиги

№ 11/2018

«29» август 2018 й.

-миллий хунармандчиликнинг йўқолиб бораётган турларини қайта тиклаш, сақлаб қолиш ва ривожлантириш;

-хунармандчилик ривожланмаган ҳудудларда усталарни жалб этган ҳолда банд бўлмаган аҳолига хунар ўргатиш мақсадида хунармандчиликнинг турли йўналишлари бўйича бир марталик ўқув-маҳорат курсларини ташкил этиш;

-иктидорли ёшларни аниқлаш, улар орасидан келажакда етуқ хунармандлар етишиб чиқишида уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

-шогирд тайёрлашда ижобий натижаларга эришган, илғор Уста-хунармандларни рағбатлантириш, қулай шарт-шароитлар яратилишида кўмаклашиш;

-хунар ўрганаётган шогирдлар рўйхатини шакллантириш, уларнинг мониторингини юритиш ва манфаатдор ташкилотлар билан мувофиклаштириш;

-Уста-шогирд муносабатларида томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш.

### **3-БОБ. “УСТА-ШОГИРД” МАКТАБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

6. “Уста-шогирд” мактаби Уста (хунарманд)нинг мурожаатига асосан “Хунарманд” уюшмасининг Бадий кенгаши қарори билан ташкил этилади.

7. Уста (хунарманд) томонидан “Уста-шогирд” мактабини ташкил этиш учун “Хунарманд” уюшмасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

-Уста (хунарманд)нинг “Уста-шогирд” мактабини ташкил этиш тўғрисидаги аризаси;

-шогирднинг паспорт ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси нусхаси;

-Уста (хунарманд) ва шогирд ўртасида тузилган шартнома.

8. Хунар турига кўра, Уста (хунарманд), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПФ-5242-сон Фармонида мувофик 5 нафардан 10 нафаргача шогирд олиш ҳуқуқига эга.

9. “Уста-шогирд” мактаби асосида юзага келадиган Уста (хунарманд) ва шогирд ўртасидаги муносабатлар улар ўртасида тузилган шартнома асосида тартибга солинади.

10. Бадий кенгашнинг “Уста-шогирд” мактабини ташкил этиш тўғрисидаги ижобий қарорига асосан “Хунарманд” уюшмаси Уста

РУЙХАТГА ОЛИНДИ  
№ 11/2018  
«29» Август 2018 й.



(хунарманд) ва шогирд ўртасидаги шартномани рўйхатга олади ва шогирдликни тасдиқловчи гувоҳнома беради.

11. Шогирдликни тасдиқловчи гувоҳномага эга бўлмаган фуқаро “Хунарманд” уюшмаси томонидан шогирд сифатида эътироф этилмайди.

12. Гувоҳномада қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

-хунармандчилик йўналиши;

-Уста (хунарманд) ва шогирд ўртасида тузилган шартноманинг санаси ва рақами;

- Уста (хунарманд) тўғрисидаги маълумотлар (Ф.И.О., уюшмага аъзолик гувоҳномаси рақами ва амал қилиш муддати);

- шогирд тўғрисидаги маълумот (Ф.И.О., шогирдликнинг охири муддати).

13. Шогирдлик муддати шогирдликни тасдиқловчи гувоҳнома берилган кундан бошлаб, Уста (хунарманд) ва шогирд ўртасида тузилган шартнома асосида 2 (икки) йилгача белгиланади.

14. “Хунарманд” уюшмаси томонидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий меҳнат органларига шогирдлар ҳисобини юритиш мақсадида қуйидаги маълумотлар тақдим этиб борилади:

- ҳар бир гувоҳнома олган шогирд тўғрисидаги (Ф.И.Ш., туғилган йили, СТИР рақами, доимий яшаш жойи бўйича манзили, гувоҳнома рақами ва берилган санаси) ва бириктирилган Уста (хунарманд) тўғрисидаги (якка тартибдаги тадбиркор номи, рўйхатдан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳнома рақами ва амал қилиш муддати, Уста ва шогирд ўртасида тузилган шартнома рақами ва санаси) умумий маълумотлар базаси;

- “Уста-шогирд” мактабини муваффақиятли тамомлаб диплом билан тақдирланган шогирдлар тўғрисидаги маълумотлар.

15. “Уста-шогирд” мактабини яқунлаган шогирдга Устанинг тавсияномаси асосида уюшма томонидан диплом берилади.

16. 30 ёшдан ошмаган шогирд диплом олган кундан бошлаб, 6 ой ичида имтиёз асосида, яъни биринчи йил аъзолик бадали тўловисиз, “Хунарманд” уюшмасига аъзоликка қабул қилинади.

#### 4-БОБ. ХУНАРМАНД ВА ШОГИРДЛАР ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР

17. Хунарманд ва шогирдлар ўртасидаги муносабатлар ўзаро аҳдлашув, шартнома имзолаш, меҳнатга мажбур қилишга йўл қўймаслик ва ижтимоий адолат,

иш муомаласи одатларига, шунингдек маҳаллий одатларга ва анъаналарга риоя қилиш асосида қурилади.

18. Уста (хунарманд) томонидан шогирдларга иш ҳақи тўлаш ва унинг миқдори қонунчиликда белгиланган тартибда ўзаро икки томоннинг келишувига мувофиқ амалга оширилади.

19. Хунарманднинг шогирди томонидан ишлаб чиқарилган буюмлар ёки товарлар (ишлар, хизматлар) сифатини назорат қилиш хунарманд томонидан амалга оширилади.

20. Хунарманд ўз мажбуриятлари бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулкӣ жавобгар бўлади.

#### **5-БОБ. “УСТА-ШОГИРД” МАКТАБИ СУБЪЕКТЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

21. Уста (хунарманд)дан қуйидагилар талаб этилади:

-“Хунарманд” уюшмасига аъзо бўлиш;

-маълумотидан (ўрта, ўрта-маҳсус, олий ва х.к.) катъий назар ўз касбида маълум тажриба ва малакага эга бўлиши;

-касбдошлари орасида обрў қозонган ва яхши инсоний ҳислатларга эга бўлиши;

-хунармандчилик билан шуғулланиш учун зарур даражада жихозланган устахонага эга бўлиши;

-шогирдларни хунармандчилик кўникмаларига ўргатиш учун лозим бўлган шарт-шароитга эга бўлиши.

22. 15 ёшга тўлган, Уста (хунарманд) билан қариндошлик жиҳатлари, ирки, жинси ва ижтимоӣ келиб чиқишидан катъий назар, хунар ўрганиш истагини билдирган шахслар шогирдликка қабул қилинади.

#### **6-БОБ. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР**

23. Республика “Хунарманд” уюшмасидан рўйхатдан ўтмаган “Уста-шогирд” мактаблари ҳақийқий деб ҳисобланмайди.

24. Ушбу Низом талабларини бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

